

ТОШКЕНТ ОҚШОМШИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 120 (10.423)

2005 ЙИЛ 22 ИЮНЬ

ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

КИСҚА

● **ЎТГАН** кунни Сергели туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси, "Истиқболли авлод" нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорликларида бўлиб ўтган семинар ёшлар тарбиясининг долзарб муаммоларига бағишланиб, унда "Наврўз", "Иттифоқ", "Нилуфар", "Мустақиллик", "Баҳор", "Ёшлик", "Қипчоқ", "Оқибат" маҳаллаларининг фаол аёллари иштирок этишди.

● **КЕЧА** 96, 246, 258-мактаблар қошидаги оромгоҳларда тарбияланувчилар иштирокида ўтказилган "Камалак-экспресс" интеллектуал ўйини "Камолот" ЕИХ Юнусобод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Бектемир туманидаги "Мажнунтол" маҳалласида "Маънавият ва маърифат" марказининг туман Кенгаши томонидан уюштирилган давра суҳбати "Огоҳлик — давр талаби" деб номланди.

● **КЕЧА** Яққасарой туманидаги 160-мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда "Камолот" ЕИХ туман Кенгаши ташаббуси билан тарбияланувчилар иштирокида эстафета ўйинлари ўтказилди.

● **КЕЧА** 154-мактаб қошидаги "Қалдирғоч" оромгоҳида уюштирилган асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов "Сихат-саломатлик йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Яққасарой туманидаги ҳарбий спорт оромгоҳида бўлиб ўтган асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов "Тошкент шаҳри — менинг фахрим" шиори остида уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Тошкент шаҳар ҳокими Кубоги учун халқа автопойгаси бўйича Тошкент шаҳар биринчилигига старт берилди.

● **ТЕПА** маҳалласида «Камолот» ЕИХ Яққасарой туман Кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила ва аёл» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Тиф ва паратиф» нима ва унинг профилактикаси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги 284-мактаб қошидаги оромгоҳда «Камалак» — бу менинг ташкилотим» мавзусида байрам дастури уюштирилди.

● **БК ИНТРАНС** корхонасида ўтказилган давра суҳбати «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурининг маъмурий моҳиятига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ТАДБИРКОР ЭРКИНЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТЛАРИ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эркин рақобат муҳитига асосланган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор ўз самарасини бермоқда. Хусусийлаштириш ва тадбиркорликнинг жадал ривожига махсулот ва хизматлар тури кўпайиши, сифати яхшиланишини таъминлабгина қолмай, жамиятимизда мулкдорлар синфи шаклланишига, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилаётди.

Хусусий тармок вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил амалга оширилб келинаётган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнеснинг ялпи ички махсулотдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида хусусий тармокнинг жадал ривожланишини, мамлакатимиз иқтисодиётдаги улушининг кўпайишини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган бежиз эмас. 2007 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички махсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Президентимизнинг шу йил 14 июнда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аини шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси Аминжон ИШМЕТОВ билан ЎЗА мухбирининг суҳбати Фармоннинг моҳияти ва унинг ижроси хусусида бўлди.

— Тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи Президентимизнинг доимий диққат эътиборидан, — дейди А.Ишметов. — Айниқса, иш одамлари фаолиятига асоссиз аралашуш, ноқонуний текширишларга барҳам бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириляётди.

Мазкур Фармон аини йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариб, эркин тадбиркорлик фаолиятининг муҳим қаролати бўлди.

Президент Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашуви янада кўпроқ чеклаш, текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш вақти келганини алоҳида таъкидлаган эди.

Халқаро андозаларга мос бўлган иқтисодиётимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ва изчиллик билан амалга ошириляётган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишининг беш тасмийлидан келиб чиқиб қабул қилинганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Зеро, Фармонда жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви ни камайитириш, иш одамларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги қатъий чора-тадбирлар белгилаб берилди.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд орқали қўлла-

ниш тартибининг жорий этилиши хусусий тадбиркорлик фаолиятига ҳар қандай асоссиз аралашуларга чек қўяди. Бу фақат одил судловга тегишли айрим воқоаларнинг бошқа органлар томонидан самарасиз амалга оширилишига ҳам барҳам беради. Фармоннинг иловасида кўзда тутилганидек, фаолиятни тугатиш, тўхтатиб қўйиш, молиявий санкциялар қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини (руҳсатномаларини) ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш, бе-кор қилиш масалаларини қонуний, адолатли ҳал этиш суд томонидан амалга оширилиши бундай чоралар самарадорлигини янада оширади.

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Андижонда рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил парламент комиссияси аъзолари билан олиб бориляётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳўкумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларида иборат ишчи гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди.

Парламент комиссияси раиси М.Йўлдошев дипломатларни комиссия олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш бўйича олиб бориляётган ишларнинг дастлабки натижалари билан таништирди. Унинг сўзларига кўра, асосий эътибор Андижон воқеаларининг барча жиҳатларини синовчилик билан текшириш ва ҳар томонлама таҳлил этиш, уларни юзга келтирган сабаблар ва бу жиноий ҳаракатлар ортида турган кучларни аниқлаш, шунингдек, ҳўку-мат ва ҳўкуқий муҳофаза қилиш органлари ҳаракатларини таҳлил қилиш ва ҳўкуқий баҳолашга қаратилди.

Комиссия иш фаолияти давомида унинг аъзолари Андижон шаҳри ва Андижон вилояти раҳбарлари, ҳўкуқий муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла кўмиталари вакиллари, тергов комиссияси аъзолари, оддий фуқаролар билан қўллаб-қўрғашу ва суҳбатлар ўтказди. Жангарилар ҳўкум қилган объектлар, улар ёқиб юборган маъмурий ва маданый бинолар кўриб чиқилди. Парламент аъзолари тергов комиссиясининг дастлабки материалларини, жиноий ҳаракатлар ташкилотчилари ва ижро-чиларига нисбатан маҳаллий ҳокимият ва ҳўкуқий муҳофаза қилиш органлари томонидан кўрилган чораларни диққат билан ўргандилар. Андижон воқеалари давомида ҳалок бўлганлар сони бўйича тергов

комиссиясининг маълумотлари ва хорижий маибаларда келтирилган рақамларни таққослаб кўриш ишлари олиб борилади.

Парламент комиссияси ўтказилган учрашув ва суҳбатлар чоғида олган материалларнинг дастлабки таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қуролланган ҳўкум четдан туриб пўхта режалаштирилган ва бошқарилган. Бунда муайян ҳудудда ҳокимиятни қўлга олиб, кейинчалик мамлакатда ва бутун Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш гараз ният бўлган.

Парламент комиссияси томонидан Андижонда юз берган фожеали воқеаларни ўрганиш жараёнида жойлардаги ҳўкуқий муҳофаза қилиш тузилмалари ва ҳўкимият органлари вакиллари бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйган айрим ҳўлатлар ҳам аниқланмоқда.

Парламент комиссияси раиси М.Йўлдошев барча саволларга батафсил жавоб қўйиб, комиссия халқаро ишчи гуруҳ билан бундан буён ҳам ҳамкорлик ва ўзаро алоқани давом эттиришга тайёр эканлигини билдирди.

Тошкентда аккредитация қилинган хорижий дипломатлардан иборат ишчи гуруҳ аъзолари Андижон шаҳри ва Андижон вилоятига боришни режалаштирмоқда.

XXI *садоси*
Хаср Барча маибалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ **НОМИГА РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ТЕРМИЗ АЛОХИДА ЧЕГАРА НАЗОРАТИ БАЗАСИДА ШАРТНОМА АСОСИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН КИЧИК СЕРЖАНТ ЭЛЁР АБДУРАХИМОВ МИННАТДОРЛИК МАҚТУБИНИ ЙЎЛЛАДИ.**

● Мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юрталарида навбатдаги битирув тантаналари бўлиб ўтди. Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида ҳам бу кун ҳақиқий байрам сифатида нишонланди.

● Низоий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети олимлари ташаббуси билан «Навоийга армуғон»нинг навбатдаги тўртинчи китоби босмадан чиқди. Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган бу жилдан олий ўқув юрти навоийшунос олимларининг улғу шоирга бағишланган янги тадқиқотлари ўрин олди.

● Халқаро Амир Темуր жамғармаси яна бир хайрли ишни амалга оширди. «Шарк» нашриётида «Темур тузуқлари» китоби Алихонтура Соғуний ва Ҳабибулла Қароматов таржумасида янгидан нашр этилди.

● Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг республика бўйича бўлиб ўтди. Унда иштирокчиларда гўлиб бўлган 14 нафар тарбиячининг яқиний босқич тест синовларидан ўтган 7 нафари сўнгги тур баҳсларида беллашишди. Танлов якунига кўра, Андижон вилояти Избоскан туманидаги 25-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Зулайхо Халилова биринчи ўринни эгаллади.

Жаҳонда

● Шимолий Кавказдаги Бирлашган ҳарбий гуруҳ штабидан олинган маълумотларга кўра, Чеченистоннинг Веденск райони четидаги қишлоқлардан бирида ўтказилган махсус амалиёт чоғида Шомил Басаевнинг энг яқин икки гўмаштаси йўқ қилинган. Бу ҳақда РИА «Новости» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

● Япония Америка Қўшма Штатларининг БМТ Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш борасидаги таклифига норози эканлигини маълум қилди.

● Вьетнам Бош вазири Фан Ван Кай уч кунлик давлат таширифи билан АҚШга келди. Бу Вьетнам урушидан кейин ушбу мамлакат вакиллари Америкага илк сафаридир.

● Ливанда бўлиб ўтган парламент сайловларида мамлакатнинг собиқ бош вазири, терактлар натижасида ҳалок бўлган Рафик Харирийнинг ўғли Саад Харирий бошчилигидаги «14 мард ҳаракати» гуруҳи ишончли ғалабага эришди. Ливан тарихидаги энг машҳур сиёсатчилардан бўлган Харирийнинг ўғли сайлов якунларига кўра, парламентдаги 128 ўриндан 72 тасини қўлга киритиб, марҳум отасининг 2000 йилдаги муваффақиятини такрорлади.

Тошкент шаҳар

Ҳокимлигида

“ИСТИҚЛОЛ
УМИДЛАРИ —
2005”

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт битирувчи ёшларнинг анъанавий “Истиқлол умидлари — 2005” тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқоҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Битирувчилар байрами 2 июль куни “Туркистон” саройининг ёзги саҳнаси ва Республика ташкилотидий фаолият Миллий банкининг “NBU-Osiyo” соғломлаштириш маркази уйигоҳида ўтказилади. Йиғилишда мактаб ўқувчиларининг Ватанга муҳаббат тўғриси янада юксалтирувчи ушбу тадбирнинг юқори бадий савияга ўтказилишига алоҳида эътибор берилди. Байрам тадбирларида десантчи жангчиларнинг кўргазмали чиқишлари, ёшларнинг севимли санъаткорлари, цирк артистлари, бадий жамоаларнинг дастурлари намойиш этилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, тадбир ўтиш жойларида ёнгин хавфсизлиги, жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда битирувчиларни “Тошшаҳарйўловчигранс” компанияси автобусларида тадбирга олиб келиш ва яшаш манзилларига етказиб қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

“Истиқлол умидлари—2005” тадбирида 11-синфини жорий йилда тамомлаган 10.469 нафар ўғил-қиз иштирок этади. Тадбирда 650дан зиёд ота-она ва педагогларнинг жалб қилиш ҳам кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, Мировод, Юнусовод ва Бектемир туман мактаб битирувчилари “Туркистон” саройи ёзги саҳнасида, бошқа туман битирувчилари эса “NBU-Osiyo” соғломлаштириш маркази уйигоҳида бўлиб ўтадиган байрам томошасидан баҳраманд бўладилар.

Битирув имтиҳонларини топириб, жонажон мактаб, азиз устозлар, қадрли синфдошлар билан хайрлашаётган ёшлар энди мустақил ҳаётга йўл оладилар. Бугунги кунда мамлакатимизда уларнинг чуқур илм олишлари, турли хўнарлар эгаси бўлишлари учун кулаш шароитлар яратилган. Юртбошимизнинг ўсиб келаётган авлодга қаратилган катта эътибор ва оталарча ғамхўрликлари тўғрисида эга, масофадан туриб таълим олиш имконини берувчи академик лицей ва касб-хўнар коллежлари, олий ўқув юрталарининг сони кўпаймоқда. Бу эса, шубҳасизки, Ўзбекистон ёшларига жаҳон андозалари даражасида тахсил олиш, ўзларининг ўқир зехнлари, билими ва зукюликлари билан дунё бўйлаб ҳеч кимдан кам эмасликларини намойён қилиш имкониятини яратяди.

Шаҳноза

ҚУДРАТҲУЖАЕВА

Давоми. Боши 1-бетда.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш фақат давлат солиқ хизмати органларига юқлатилгани бу борада фаолият юритувчи органлар сони кескин қисқаришига йўл очади. Текшириш йўналиши ва тартибини янада аниқлаштиради. Шу билан бирга назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг масъулияти ҳамда жавобгарлигини янада кучайтиради.

Чунки Фармонда мазкур шахсларнинг тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказилганлиги учун шахсан жавобгарлиги, ҳатто жиноий жавобгарлиги ҳам белгиланган.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозимлигининг белгиланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу, биринчидан, тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини таъминлайди. Иккинчидан, зарарнинг айнан уни етказган давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан қопланиши уларнинг масъулиятини янада оширади.

— **Фармонда ҳакамлар судига алоҳида эътибор қаратилган. Бу тизим тадбиркорларимиз учун қандай қулайлик яратяди?**

— Ҳакамлар судини таъшиқ этиш бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий жамият талабларига мосдир. Мазлумки, айни шароитда турли ҳўжалик юритувчи субъект-

лар, жумладан, тадбиркорлар иштирокидаги шартномавий муносабатлардан муайян низолар келиб чиқishi табиий ҳол. Бундай низоларни ҳал этишда тадбиркорлик субъектлари ва бирлашмаларнинг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари одилона ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга. Бойси, бу жараёнда низо бўйича ҳакамлар судининг вазиятдан яхши ҳабардорлиги адолат қарор топишига хизмат қилади.

ТАДБИРКОР ЭРКИНЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТЛАРИ

Тегишли органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлар суди тўғрисида»-ги қонуни лойиҳасини тайёрлашда тадбиркорлар учун қулай, уларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига оид барча зарур шарт-шароит ва нормалар ҳисобга олинди. Ташкил этиладиган бу тизим ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат суд ҳокимиятига кўмаклашади. Муҳими, тадбиркорлар учун ўзлари дуч келган низоли ҳал этишнинг муқобил механизми яратилади. Жамиятимизда тадбиркорга мададкор янги тузилма пайдо бўлади.

— **Текширишни тайинлаш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш ва айрим фаолият турлари билан шугулланишга руҳсат олиш тартиб-таомилни такомиллаштиришга оид янги қондалар ишлаб чиқишдан мақсад нима?**

— Мазкур йўналишда тегишли қарор лойиҳаларини тайёрлаш мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Чунки

уларда текширишлар сонини кескин камайтириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларининг руҳсат берилмаган текширишлар ўтказилганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш, муддатлари чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга лицензиялар (руҳсатномалар) бериш тизимини жорий этиш кўзда тутилиши лозимлиги белгиланади. Мазкур ҳолат руҳсатномалар беришдаги суиистем-молчиликлар, таъмағирлик, сансалорлик-ка барҳам бериб, тадбиркорларнинг ортқча вақт ва маблағ сарфлашларига ҳеч қўяди.

Фармоннинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, мутасадди вазирлик ва идораларга 1-бандда назарда тутилган (тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд орқали қўлланиш тартиби) ишларни кўриб чиқиш тартиб таомилни янада такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича ҳуқуматга тақлифлар киритиш юқланган.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибиде қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари ўзига ҳос хусусиятлари билан бошқа ҳўжалик низоларидан фарқланади. Мазкур таъсир чораларини қўллашнинг мақсус, соддалаштирилган тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш эса тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳамда қонуний манфаатларини тўла ва мустаҳкам ҳимоялашга хизмат қилади.

Президентимизнинг жамиятимизда нуфузи тобора ортиб бораётган тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очган мазкур Фармонни халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

ЎЗА МУХБИРИ
НОРГУЛ АБДУРАЙИМОВА
СУХБАТЛАШИ.

Тадбиркорга толе ёр!

ЭРКИН ИЖОДГА КАФОЛАТ

Бундан 14 йил аввал мустақил, озод, ҳур давлат йўлини танлаган Ўзбекистон бугунги кунда истиқлол ила барча соҳаларда салмоқли ютуқларга эришиб келмоқда.

Ўтган шу қисқа вақт ичида қўллаб қонуний ва меърий ҳўжатлар қабул қилинди, шу жумладан иқтисодиётда устувор йўналиш бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий пойдевори шаклланишида ҳам унлаб ҳўжатлар амалда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Президентининг галдаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Тадбиркорлик субъектларини томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш тўғрисида”ги Қарорини табиий жараён деб ҳисоблайман.

Айни пайтда мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳўкм сурмоқда, ўсиш сурьатлари деярли барча иқтисодий тармоқларга ҳос. Тажириба ортирилган сари янада соғлом ривожланишга интилиш пайдо бўлаверади, натижада “ўрта”даги камчиликлар ҳам, муаммолар ҳам ойдинлашиб, уларни бартараф этиш талаби кучаяверади.

Бу борада мамлакатимизда бу йили муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга воқеа юзбога келганини таъкидлаш лозим. Икки палатали парламент шаклланди. Бу дегани ислохотларни чуқурлаштириш, барча соҳаларда либераллаштириш жараёнлари давом эттирилишини вақтининг ўзи талаб этмоқда. Пре-

зидентимиз таъбирлари билан айтганда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислох этиш бугунги куннинг асосий мақсади.

Бу йўналишда, маълумки, устувор вазифалар белгилаб олинган ва улар орасида тадбиркорлик, бизнес, хусусий секторга эътиборни янада кучайтириш, бу соҳа вакилларига муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлиги бежиз асос қилиб олинмаган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида мамлакатимиз раҳбари бу масалаларга эътибор қаратиб, «тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай вос кечиш, аксинча уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати келди. Мамлакатимиз келажакни белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аник мақсад билан меҳнат қила олинлар» дея таъкидлаганлари ҳам шундай.

Очиғини айтмайлик, бизни шу кунгача нима қийнаб келарди? Бу ортиқча қорғозбозликлар, қонуничи четлаб ўтказилаётган текширувлар ва хоҳазолар. Қуни кеча қабул қилинган иккала ҳўжат ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатлари ва ҳимоясини янада оширади.

Очиғини айтмайлик, бизни шу кунгача нима қийнаб келарди? Бу ортиқча қорғозбозликлар, қонуничи четлаб ўтказилаётган текширувлар ва хоҳазолар. Қуни кеча қабул қилинган иккала ҳўжат ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатлари ва ҳимоясини янада оширади.

бирга уларнинг эркин ижод қилишларига асос яратяди.

Бугунги кунда иқтисодий бозорда ҳақиқий соғлом рақобат кучайиб бормоқда. Биринчи ўринга фақат сифат ва сифат кўрсаткичлари қўйилмоқда. Айни кунларда биз Хитой ва бошқа давлатлардан келтирилаётган сифатсиз маҳсулотларга талаб камаийиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бўлган эътибор ортаётганининг ғувоҳимиз. Биргина бизнинг қорхонани оладиган бўлсак, “Шарк гули”да миллий хўнармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва уларга бўлган эҳтиёж аҳамияти, назаримда, изоҳ талаб эмас. Бир йил илгари биз Туркия билан ҳамкорликда “Шарк модель” қўшма қорхонасига таъсисчи бўлиб кирдик ва қисқа вақт ичида бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 60-70 фоизи АҚШга экспорт қилинмоқда. Энг муҳими, бу маҳсулотлар ўзимизнинг хом ашё асосида тайёрланмоқда. Бир пайтлар пахта толасидан фақат қисман ип ёки мато тайёрланган бўлса, энди кийим-кечаклар, яъни тайёр маҳсулотларга ишлаб чиқармоқдамыз. Бу катта ютуқ ва яқин келажақда пахта хом ашёсини 50 фоизгача чуқур ишловини йўлга қўядиган бўлсак, ажаб эмас. Бу борада инвестиция, хусусан хусусий инвестиция шартномаларини жорий этиш масалаларида биз, ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга катта имтиёзлар очилганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш даркор.

Хуллас, эндиликда фақат ишлаш, яхши ишлаш орқали юқори самараларга эришиш ва мамлакатимиз иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашимиз лозим.

Саида ҒАНИЕВА,
“Шарк гули” масъулияти чекланган жамияти раиси

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ «ЯНА БИР БОР ДЎСТ КУЛФАТДА БИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА...»

АҚШ элчиси жаноб Пурнеллнинг "Народное слово" газетаси тахририяга йўллаган ҳамда 18 июнда чоп этилган Андижон воқеалари ҳақидаги хатини ўқир экансиз, унинг икки ёқламалиги, носамийлигини сезасиз ва бунинг натижасида унга нисбатан ишончсизлик туйғусини ҳис этасиз.

Бир томондан, жаноб Пурнелл ёзганидек, АҚШ давлати "қамқоҳона, милиция участкаси ва ҳарбий гарнизонга қилинган ҳужумни, сўнгра маҳаллий ҳокимият биносининг эгалланиши" (сўзлар хат матнидан олинган) фактини ошқора қоралайди.

Ана шу мисли кўрилмаган сурбетларча ва шафқатсизларча қуролли босқинчилик хатти-ҳаракатларни ва улар давомида постда турган солдат ва офицерларнинг отиб ташланиши, одамларнинг гаровга олинishi, уларнинг таҳрирланиши ва ўлдирилишини, катта миқдорда автомат ва бошқа қурол-яроғларнинг қўлга киритилишини АҚШ элчиси эҳтиёткорлик билан мавҳум сўзларни қўлагани ҳолда "Андижонда гуруҳ томонидан зўравонликнинг содир этилиши" дея атайди. Ваҳоланки, буларни очик-ойдин босқинчилик ва террорчилик хатти-ҳаракатлари дея аташ ўрнига.

Зеро, бундай ваҳшийликлар, шафқатсизлик ва хунрезликларни Андижон кўчаларига чиққан, Америка оммавий ахборот воситалари бутун дунёга жар солганидек, тинч, ҳеч қачон қўлида қурол ушламаган аёллар, болалар ва қариялар содир эта олмайди-ку.

Агар ҳарбий объектлар ва қамқоҳонага бундай қуролли ҳужум АҚШ шаҳарларидан бирида содир этилганида ва бунда 600 дан зиёд жиноятчилар, шу жумладан оғир жиноят содир этганлар жазони ўташ жойидан озод этилиб, уларнинг қўлларига автоматлар ва гранаталар тўтқазилганида бундай ҳаракатлар Американинг ўзида қандай баҳоланган бўлишини билишни истар эдим.

Газеталар ва телевидениедаги чиқишлар "мислсиз террористик тажовуз", "конституцийвий тузумга таҳдид", "халқаро террорчиларнинг АҚШ га сурбетларча ҳужуми", "Бен Лодин террористини ва йўқ қилинсин" ва ҳоказо сарлавҳаларга кўмилиб кетмасмиди?

Бундай кўламдаги вафтини бартафат этиш учун қандай миқдорда махсус ҳарбий бўлинмалар ва миллий гвардия кўшинлари, ҳарбий қуролли кучларнинг бронетехникаси, вертолётлари ва самолётлари ишга солинишни тасаввур этиш қийин эмас.

Энди мустақил текширув дея аталмиш тадбирга ҳамда Америка дипломатлари нима сабабдан бугунги кунда Россия, Хитой, Хиндистон, Покистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари иштирок этаётган текширув мониторинги гуруҳида қатнаша олмасликлари масаласига келсак.

Биринчидан, АҚШ у ёки бу мамлакатга дипломатлар сифатида тасо-дифий ва махсус тайёргарликдан ўтмаган одамларни йўллайдиган давлат эмас. Бугун элчихонада Андижондаги воқеалар хусусида уйдирмалар тўплаш бўйича тезкор ишлар пухта йўлга қўйилганининг ўзи шундан далолат беради.

Иккинчидан, гап бу ўринда бутун дунёда қабул қилинганидек, воқеа содир бўлган мамлакатнинг соҳанинг малакали вакиллари, прокурорлик, текширув ва суд-эксперт тузилмалари олиб бораётган текширув ишларининг фақат мониторинг ёки ҳолис назорати хусусида бормоқда.

АҚШ ёки Европанинг прокуратура ходимлари, бизнинг минтақамизда содир бўлаётган ишлар ҳолати ва вазият ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмагани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонуни олдда жавобгар бўлган мамлакатимиз малакали терговчилари ва экспертлари ўрнига бу фожiali воқеаларнинг қандай қилиб текширишларини биз ўзимизча тасаввур этишимиз ўзи қийин.

Мустақил экспертлар дея аталмиш кишилар биринчи навбатда Андижонда содир этилган қонли фожиянинг ташкилотчилари ва сценарий муаллифлари, уларни йўналтириб ва молиялаб турган кучлар билан жиддий қизиқишга гумонимиз катта.

Мустақил текширув хусусида сўз кетар экан, жаноб элчи, айтингчи, АҚШ ва НАТО Қуролли Кучлари томонидан кучнинг ноҳуқуқий ва номутаносиб тарзда ишлатилиши фактлари, хусусан, Югославияда йўловчилар поездлари ўтиб бораётган кўприкларнинг бомбардимон қилингани, Афғонистондаги тинч аҳоли яшайдиган қишлоқларда тўй маросимига тўпланган одамларни нима сабабдан террорчилар гумон қилиниб, бомбардимон қилингани фактларини текшириб кўриш жоиз эмасмикан? Ёки, ниҳоят, Ироқнинг Аль-Фалуджа шаҳрида АҚШ қуролли кучлари бронетехника ва авиациядан фойдаланган ҳолда Ал-Қоида террорчилари билан курашиши жараёнида қанча тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлганини аниқлаш жоиз эмасми?

Жиддий мулоҳазаларни келтириб чиқарадиган бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

Минг афсуски, мустақил халқаро текширув дея аталмиш тадбирни ўтказиш масаласи фақат жаҳонда етакчиликини даъво қилаётган давлатлар бундан манфаатдор бўлган ҳолдагина кўтарилади.

Хулоса қилиб шуни очик айтиш керакки — юз қарра сўзда бизга чин дўстлик ва садоқатни изҳор этиш ўрнига Ўзбекистон бошига тушаётган мураккаб муаммоларни ҳал этишда АҚШ давлати томонидан бизга кўрсатилган бегараз ҳамжиҳатлик ҳамда қачон ва қаерда кўрсатилган кўмакка оид аниқ мисолларнинг келтирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Р. ФАРМОНОВ.

(«Халқ оёзи», 22 июнь)

Истиклол йилларида истеъмолчи маданиятини юксалтириш амалга оширилаётган эзгу ишларимизнинг устувор жиҳатларидан бирига айланди. Айниқса, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори халқимизнинг истеъмол маданиятининг юксалишида ҳуқуқий базани яратиб берди, десак янглишмаган бўламиз.

Бу борадаги ишларни таҳлил қилар эканмиз, Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамяиятлари ҳудудий бирлашмаси фаолияти хусусида тўхталмай ўта олмаймиз.

— Ҳудудий бирлашмамиз 2003 йил апрель ойидан бери иш юритиб келади, — дейди бирлашма раиси вазифасини бажарувчи Равшан Хайдаров. — Шу қисқа фурсат мобайнида пойтахт аҳолисининг махсулотларини сотиш ва сотиб олишдаги, турар жой биналари қурилишида, жорий таъмирлаш ишларида, маиший хизмат, уй-жой коммунал ва бошқа бир қатор соҳалардаги ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймастикан ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

Дарҳақиқат, бир танганинг икки томони бўлганидек, баъзи ҳолларда қонун меъёрларидан четга чиқиш ёки уни менсимаслик ҳоллари учраб туришидан кўз юмолмаймиз. Ана шундай вазиятларда истеъмолчининг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилиш соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Авалло Тошкент шаҳрининг 11 та туманида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамяиятлари конференциялари ўтказилиб, унда туман жамяиятлари кенгаши аъзолари ва раислари сайлаб олинган. Ушанда жамяият аъзолари сони Тошкент шаҳри бўйича 823 кишини ташкил этган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла йигинлари ташкил этилиб, унда мазкур қарор ҳар бир истеъмолчининг манфаатлари қаролати эканлиги таъкидланди. Бу тадбирлар Шайхонтохур, Собир Раҳимов, Сергели ва Юнусобод туманларида уюшқоқлик билан ўтказилди. Шу давр мобайнида маҳаллаларда 106 та таянч гуруҳлари тузилиб ўз фаолиятини бошлади.

— Ҳозирда ишларимиз ўз маромида давом этмоқда, — дейди жамоатчилик асосида фаолият юритувчи мониторинг бўлими бош мутахассиси Шахло Сувонова. — Шаҳримиз туманлари, ширкатлар, маҳалла, бозор, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда таянч гуруҳлари ташкил этилмоқда. Шу ишларни ниҳоясига етказсак, пойтахт аҳолисининг истеъмол маданияти яхшиланишига ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Агар ўтган йилнинг 9 ойлик бажарилган ишларини таҳлил қиладиган бўлсак,

ҳудудий бирлашманинг шаҳар ва туман жамяиятлари иш фаолиятида истеъмолчиларга 3 миллион сўмлик харид молларни савдо расталарига қайтариб беришда амалий ёрдам кўрсатилганига, 215 та ариза кўриб чиқилиб, улардан 147 таси ижобий ҳал этилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ёки шаҳар ҳудудий бирлашмаси топшириғига кўра Собир Раҳимов туманида жойлашган дорихоналар, савдо дўконларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сонли қарорига асосан маркировка қилинганлик бўйича тўлиқ мониторинглар ўтказилди. Шу вақт мобайнида савдо, коммунал ва маиший хизмат соҳалари бўйича ҳам мони-

жой мулкдорлари ширкатларидан норози бўлиб ёзилган шикоятлар сони 70 тани ташкил этди. Ҳозирда 50 та иш кўриб чиқилди, қолган аризалар ўрганилмоқда.


Шу билан бир қаторда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий жамяиятига савдо соҳаси бўйича 22 та шикоят келиб тушган. Улардан 18 таси кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Мисол учун истеъмолчи Қ.Мирзақуллов Навоий кўчасидаги савдо растасидан 171 минг сўмлик уяли телефонни харид қилади. Бироқ, тегишли маъмурият ушбу уяли телефоннинг носозлиги ҳақидаги талабни қондирмайдди. Шу боис ушбу иш юзасидан Тошкент шаҳар истеъ-

Истеъмолчи ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

ТАШАББУС ВА ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ

Бугунги куннинг асосий талабларидан бири кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши, белгилаб қўйилган қонун ҳужжатларидан атрофияли ҳабардор бўлишидан иборатдир. Шу маънода истеъмолчилар ҳуқуқлари, талаб ва мажбуриятлари, бурчлар юзасидан чуқур мулоҳаза юритиш алоҳида аҳамиятга молик масала.



торинглар ўтказилиб, 50 га яқин ҳужжатлар монополия бошқармасига чоралар кўриш учун юборилди.

Албатта, таъкидлаб ўтилган натижалар ўтган йилларда истеъмолчи ҳуқуқлари юзасидан амалга оширилган ишларнинг бир қисми ҳолос. Ҳозирда эса истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Монополиялар қиришиш рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси шаҳар кенгаши, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси сингари юридик мақомга эга ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, шу йилнинг 1-чорадаги бажарилган ишлар кўриб чиқилганида Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таянч гуруҳлари сони 214 тани ташкил этиб, бозорларда эса 2 та таянч гуруҳлари фаолият олиб бораётганлиги аниқланди.

— Ҳудудий бирлашмамизга оғзаки ва ёзма мурожаат қилувчиларнинг асосий қисмини уй-жой мулкдорлари ширкати, коммунал соҳа хизматидан норози бўлиб мурожаат этувчилар ташкил этади, — дейди бирлашманинг уй-жой мулкдорлари ширкати ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Азиза Иўлдосова. — Ҳозиргача шу йилнинг бошидан ҳисоблаганимизда оғзаки ва ёзма мурожаат қилганлар сони 345 тани, шулардан уй-

молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамяиятлари ҳудудий бирлашмасига шикоят хати билан мурожаат қилинган ва қонунда белгиланган зарурий шарт-шароитларга кўра истеъмолчи талаби тўлиқ қондирилган.

Айниқса, икки йилдан бери ўтказилиб келинаётган «Энг зукко ёш истеъмолчи» кўрик-танлов мақсад ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Уларда шу соҳага нисбатан рабатни шакллантирди. «Энг зукко ёш истеъмолчи — 2005» 2-республика кўрик танловининг якуний босқичида Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманидаги 299-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчиси Гулбаҳор Гапированинг фахрлий иккинчи ўринга лойиқ деб топилгани ва «SAMSUNG» русумли мусиқий марказ билан тақдирланишида ҳақли маънода ҳудудий бирлашма маъсул ходимларнинг ҳам ҳиссалари борлигини айтиш ўтмоқчимиз.

Албатта, эришилаётган натижалар, пойтахт аҳолисининг хоҳиш ва истакларини қондириш йўлидаги изланишлар ўз-ўзидан бўлаётган ишлар эмас. Биз ана шу ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамяиятлари ҳудудий бирлашмаси ходимларига ишларни ривож тилаб қоламиз.

**Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТДА: ҳудудий бирлашма фаолиятдан лавҳа.**

**Ҳақимжон Солихов
олган сурат.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармасига қарашли туман меҳнат бўлимлари жамоалари олдида пойтахтликларни — доимий иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш вазифаси туради.

Ярмаркалар

ҲАМКОРЛИҚДА ЎТКАЗИЛДИ

Бугуннинг долзарб масаласига ечим топиш мақсадида Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамда туман меҳнат бўлими ҳамкорликда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар" меҳнат ярмаркасини ўтказди. Унда тумандаги мавжуд 45 та маҳаллалардан 1200 нафарга яқин фуқаролар катнашди.

Мазкур туманда 218 минг аҳоли истиқомат қилиб, улардан 3 минг нафари доимий иш билан банд эмас. "Катта Хирмонтепа", "Кичик Хирмонтепа", "Халқлар дўстлиги", "Мевазор", "Чилонзор", "Навбахор", "Гулистон" маҳаллаларидан ярмаркага келган ана шу иш билан банд бўлмаган фуқаролар меҳнат ярмаркасида туманда фаолият юритаётган 52 та катта-кичик корхона, ташкилотлар, бошқарма, муассасалар тақлиф этган 1118 та бўш иш ўринлари билан таништирилди. Президентимизнинг Тош-




кент шаҳар Кенгаши сессиясидаги н у т к и д а аҳолини иш билан таъминлашда қатор муаммолар мавжудлиги ҳақида алоҳида тўхталиб, режаларимизни қайта кўриб чиқишни тақозо қилди. Айниқса, меҳнат ярмаркалари самарадорлигини ошириш долзарб масала эканлигини тўғри англаган ҳолда уларни янгича ташкил этишни режалаштирдик.

Меҳнат бўлими жамоаси айни кунларда жорий йил бошидан буён кундалиқ иш юритишдан ташқари, режага кўра тўртинчи меҳнат ярмаркасини ўтказиш тадоригини кўрмоқда. Аввалги ярмаркалар ишда йўл қўйилган камчилик ва муаммолар ўз ечимини топиш учун меҳнат бўлимининг етакчи мутахассислари ҳамда малакали ходимлари изланишмоқда.

Шунингдек, 30 нафар ёшлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига йўланма олишди. Меҳнат бўлими мутахассислари эса ярмаркада 145 нафар фуқароларга масала ҳақлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатишди.

Бундан ташқари, тумандаги 32 та ўрта мактаблар ва 19 та касб-хунар коллежлари билан меҳнат бўлими ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Яъни, битирувчилар бевосита туман меҳнат бўлимига таъриф буюриб, унинг имкониятлари билан яқиндан танишишлари мумкин. Масалан, бугунги кунгача бу ерга 173, 202, 164, 79, 56, 90, 101-ўрта мактаблар ҳамда Радиотехника, Педагогика, Транспорт, Матбаа, Автомобиль йўллари касб-хунар коллежларининг битирувчилари меҳнат бўлими фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: Чилонзор туман меҳнат бўлими томонидан ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.



Сўраш, жавоб берамиз

ҚАРЗ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи эдим. Иш бошлашим учун ўзимнинг сармом етарли эмас, шу сабабли яқин танишимдан қарз олмақчиман. Қарз

олувчи ва қарз берувчи ўртасидаги қарз миқдорига фоиз қандай белгиланиши керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Анвар Махсумов, Собир Рахимов тумани.

Агар нотариал идорада тасдиқланган шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида қарз миқдоридан келиб чиқиб фоиз тўлаш тўғрисида шарт белгиланиши мумкин. Унда фоиз олиш тартиби ва миқдори шартнома билан белгиланади. Агар фоиз тўлаш тартиби ва муддати белгиланмаган

бўлса, унда асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МЕХАНИЗМИ

Юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг муҳим шартларидан ҳисоблангани — аксарият корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган шартнома механизми ҳақида маълумот беришимизни сўрадик. **Малика, Алишер Иброҳимовлар, Юнусобод тумани.**

— Президентимиз Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясидаги нутқида аҳолини иш билан таъминлашда қатор муаммолар мавжудлиги ҳақида алоҳида тўхталиб, — дейди Юнусобод туман меҳнат бўлими раҳбари Нозима Сулаймонова. — Ўринли танқидда айнан бизнинг туман фаолияти ҳам қайд этилганлиги ишимизни чуқур таҳлил этиш, режаларимизни қайта кўриб чиқишни тақозо қилди. Айниқса, меҳнат ярмаркалари самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири эканлигини тўғри англаган ҳолда уларни янгича ташкил этишни режалаштирдик.

Меҳнат бўлими жамоаси айни кунларда жорий йил бошидан буён кундалиқ иш юритишдан ташқари, режага кўра тўртинчи меҳнат ярмаркасини ўтказиш тадоригини кўрмоқда. Аввалги ярмаркалар ишда йўл қўйилган камчилик ва муаммолар ўз ечимини топиш учун меҳнат бўлимининг етакчи мутахассислари ҳамда малакали ходимлари изланишмоқда.

Шунингдек, 30 нафар ёшлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига йўланма олишди. Меҳнат бўлими мутахассислари эса ярмаркада 145 нафар фуқароларга масала ҳақлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатишди.

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Долзарб навъу МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Сурайё Шоносупова, Мирзо Улугбек туманидаги 275-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси: — Айни кунларда умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини тамомлаётган ўқувчи-ёшлар олдида таълимнинг кейинги босқичини танлаш каби масъулиятли вазифа турибди. Бу ўрта долзарб муҳим жараён таъкидлаш жоизки, нафақат етуқлик оstonасида турган ўсмир ва қизларни қизиқтириши, балки уларнинг ота-оналари, синф раҳбари ҳамда ўқувчиларни бевосита касб-хунарга йўналтириш масалалари билан шуғулланувчи мутасадди ходимларнинг ҳам диққат-марказида бўлмоғи даркор.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу масалада ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари, академик лицейларнинг ўрни ҳам бекиёс. Гап юқоридаги таълим масканларининг ҳамкорликда олиб бораётган ишлари самарадорлигини оширишда.

Бизнинг мактаб мисолида айтадиган бўлсак, коллеж ва мактаб ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, яъни таълим муассасамизда тушунтириш-тарғибот ишларини юритиш, коллеж маъмурияти билан 9-синф раҳбарлари, ўқувчилар билан учрашув, касблар олами ҳақида суҳбатлар уюштириш, ота-оналар мажлисларида иштирок этиш, битирувчиларни коллежга экскурсияга олиб бориш, улар билан

Туманда 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 288 минг 700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Апрель-май ойлари ҳолатига кўра меҳнат бўлими томонидан 3153 нафар доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли рўйхатга олинган эди. Лекин қайта мониторинг ўтказиш натижасида бугунги кунда ишсизлар сони 3657 нафар фуқароларни ташкил этиши аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, жамоа аҳли бу йўналишда янгича ёндошув, яъни тумандаги битта маҳалла нечта кўчалардан, кўп қаватли уйлардан ташкил толган маҳаллаларда эса ҳар бир кўп қаватли йўл қанча йўлаклардан ва нечта хонадонлардан иборатлиги ҳам қатъий ҳисобга олиниб, рўйхатга олинмоқда, бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, аҳолини ижти-

мой муҳофаза қилиш вазирлиги, туман ҳокимлиги, меҳнат бўлимининг қўшма коллежиясида муҳокама

Бағиқлик хизмати

АҲОЛИГА МАДАД КЎРСАТИБ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли барча туманлар меҳнат бўлимларида айни ёз фаслида ишлар қандан қизийди. Чунки шу даврда олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда мактабларнинг 11-синф битирувчилари олдида катта синов бўлим зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

қилинди ва маъқулланди. — Юртимизда ёшларнинг меҳнат бозорига эркин рақобатга киришишлари учун мавжуд имкониятлар яратиш мақсадида, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари, — жорий йилда пойтахтда туманимиз ҳамда Сурхондарё вилоятидаги бир туман тажриба учун танланди. Яъни, ушбу тажриба-

дан мақсад, олий ўқув юртлири, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, академик лицейлар битирувчиларининг

ҳаллалар оқсоқоллари ҳамда меҳнат ноизирларининг ўзаро ҳамжихатлиги бўлган битирувчилар билан касблар ҳақидаги суҳбатлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

"Битирувчи — 2005" меҳнат ярмаркасини сентябрь ойида ташкил этиш мўлжалланган. Чунки бу пайтда ўқишга кирган, имтиҳондан ўтолмаган ёшлар аниқланади.

Бугунги кунгача меҳнат бўлимига Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими бўлимининг туман Халқ таълими бўлимининг маълумотларига қўра туманда жойлашган 4 та олий ўқув юртини жорий йилда 1192 нафар ёш битириди. Улардан 436 нафари эса ишга жойлашиш истагини билдирган. Жумладан, тумандаги 12 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари ҳамда лицейлари-

нинг эса бу йилги битирувчилари 1306 нафарни ташкил этган ҳолда 336 нафар ёшлар ишлашни хоҳламоқда.

Бундан ташқари, 40 та мактабдан 11-синфни битираётганлар 1853 нафар йилгит-қизлардан иборат бўлиб, улардан 107 нафари иш жойига эга бўлиш истагиди. Меҳнат бўлими ходимлари томонидан ҳарбий хизматдан қайтган йигитлардан 65 нафари рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улар эгаллаган касблари, хоҳиш-истакларига кўра ишга жойлаштириляпти ҳамда ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига йўланмалар берилмоқда...

Бугуннинг долзарб масаласига айланган доимий банд бўлмаганларни иш билан таъминлаш асосий вазифаси бўлган туман меҳнат бўлими жамоаси барча имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда амалга ошираётган ишлари самара берса, албатта бу аҳоли фаровонлигида, оилалар тотувлигида муҳим аҳамият касб этади.

— Корхонамиз жамоаси 1996 йилдан буён, — дейди корхона директори Полянте Свешников, — ўз олдида мини ускуналар ва харидоригр халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда янги марраларни кўзлаган ҳолда фаолиятларини такомиллаштириб боришни мақсад қилиб қўйганлар. Хусусий корхонамиз жамоасининг меҳнатлари самараси ўларок ҳозирги кунда буюртмачиларни мамнун қилаётган кўплаб турдаги электр маҳсулотлар — кичик нонвойхона, мева-сабзавот ҳамда шифобахш ўт-ғиёҳларни қуритишга мўлжалланган ускуна, иситкичлар, қозон, тиббиёт кушеткаси, кўра, сандаллар электр қуввати сарфида тежамкорлиги билан нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ишлаб чиқарилган, балки кўплаб хорижликларнинг шу турдаги электр асбобларидан ажралиб туради.

Корхона тадбиркорлари сифатга асосий эътиборни қаратган ҳолда йилдан йилга маҳсулотларининг турларини ҳам кўпайтиришга эришмоқдалар. Бугунги харидорнинг диди кундан-кунга ўсиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда улар кўркам, сифатли, чидамли, ишлатишда қўлай, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга

да ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз ва бунинг учун барча керакли шартноши яратишимиз керак. Бу бизнинг энг муҳим ва долзарб вазифамизга айланиши шарт". Корхонамиз аҳли ана шу йўлда меҳнат қилмоқда.

— Сополни қўллаган ҳолда тайёрлаётган маҳсулотлари бемалол импорт ўрнини боса олади. Масалан, кичик нонвойхоналар Россия, Украина, Германия, Туркия давлатларида ишлаб чиқарилганларидан 2-3 баравар арзонлиги билан миқозларни мамнун қилмоқда.

Эътиборли томони, барча маҳсулотлар, ҳоҳ озиқ-овқат, ҳоҳ тиббиёт, ҳоҳ машиий ёки сановат соҳаларида ишлатилмасин, барчасида замонавийлик билан аъёнавийлик ўзаро уйғунлашган. Яъни, уларда қўлланилган сопол қиздиргичлар қислородни камроқ куйдириши ҳамда соғлиқ учун зарарсиз эканлигини исботлаган. Шу эътирофлар исботи сифатида икки йил аввал Президент совинларни учун аъёнавий ўтказилаётган "Ташаббус — 2003" кўриқ-танловининг республика босқичида "Энг яхши тадбиркор"

йўналиши бўйича Тошкент шаҳридан "PGS" хусусий ишлаб чиқариш корхонасини раҳбари Полянте Свешников фойли бўлиб, ўзимизда ишлаб чиқарилган "Матиз" русумли автомашина соҳиб бўлди. "Харакатда — баракат" деб халқимизда бежиз айтишмайди. Ўзининг тўғри йўлини топган жамоа аҳли замон билан ҳамнафас тарзда ҳамжихатликда ҳаракати, албатта баракат беришига шубҳа қилмаска ҳам бўлади.

Муҳаббат УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: "PGS" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси иш фаолиятидан лавҳалар.

чоралари назарда тутилган бўлиши керак.

ФИРМА ФАОЛИЯТИ ТУГАТИЛСА...

Тадбиркор сифатида "Н" фирмаси билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида ўзаро шартнома имзоланган эдик. Мазкур фирма тугатилганлигини эшитиб қолдим. Фирма ўз-ўзидан тугатилиб кетиши ёки қайта ташкил этилиши мумкинми? **Ботир Ҳўжаев, хусусий тадбиркор, Учтепа тумани.**

ушбу қарорни қабул қилган юридик шахс ўз муассислари ёки кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Бу ҳақда хабар топган кредитор юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларни бекор қилишга ёки зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Агар юридик шахс қайта ташкил этилмасдан батамом тугатилган бўлса, унда у ўз-ўзидан тугатилиб кетмайди. Яъни, у олдинги фаолияти тўғрисида келиб чиққан барча мажбуриятлар юзасидан жавобгарлигини тўла равишда бажарганидан кейингина суд орқали тугатилади.

эришмоқдалар.

Айни кунларда корхонада 2 турдаги янги маҳсулотлар — нон, сомса ҳамда гўштдан қабоб ёпишга ихтисослаштирилган электр тандир ҳамда жамоа аҳлининг қайта мукамал ишланган кичик нонвойхоналарининг тажриба-синовлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу маҳсулотлар ўзининг сифати, кўпгина афзалликлари билан ажралиб туради. Жорий йил охиригача ушбу электр асбоблар корхона маҳсулотларини 18 тага етказди.

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида таъкидланганидек,



Муҳаббат УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: "PGS" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси иш фаолиятидан лавҳалар.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлу...

Келтиришларича, Абужаъфар Мухаммад ибн ал-Хусайн дадаси ҳақида ҳикоят қилиб, шундай деган:

— Дадам бир кун мента: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатчилик қилма, улар билан ҳеч қачон суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» — деб сўрадим. Дадам: «Биринчиси фиску фужур ахли! Улар сени ҳалқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўқма нарса учун сени сотишдан таймади. Уларнинг бир қисми лўқма парастлардир. Уларнинг одати шук, сендан бир нарса таъма қилдилар. Агар бермасанг, оғзини мойламасанг халқ ичида ёмон гап таркатади, обрўингни туширади. Одамлар уларнинг гапига ишониб, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар!» — деди.

Мен иккинчи тоифани сўрадим. У деди:

— Иккинчиси баҳл ва хасилардир. Агар сен бирор нарсага лўқма бўлиб қолсанг, улар сенга ҳеч қачон бермайдилар. Сенинг молу давлатингга айланмайдилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўзлугида дўстларим кўп эди. Фақирликка тушганимда улар душманга айланди, таъна тошини отишди! Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилардир. Кимда бу ҳислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ бўл! Улар шаробга ўхшайдилар. Сени ўз киллариндан айриб қўядилар ва бегоналарга ақинлаштирадилар. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, аҳмоқ ва нодон кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат аста-секин кишига таъсир этади, тўғри йўлдан оздиреди, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа кишилар лақма, лаванг ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир.

Эй, азиз сен доимо олим ва фозил кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга интил, нодон ва ёмон ниятли кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма! Сен юқоридаги ҳикоятни ўқидиңг, унинг маъзини чак, яхши дўстлар топишга урин, улар сени доимо қўллаб-қувватлайдилар!

Келтиришларича, Бани Исроил қавми орасида бир киши бўлиб, у дарё сафарига чиққан эди. Ногоҳ қаттиқ шамол қўзғалиб, кема қояга урилди ва кемадаги кишилар фарқ бўлди. Халиги киши эса кемадан ажралган бир донга тахтага иилиниб, қирғоққа чиқашга муваффақ бўлди. У қирғоққа тўпланиб турган амир ва вазирилардан иборат бир тўда отликларни кўрди. Отликларнинг кўзи халиги кишига тушиши биланок, барчаси отдан тушиши ва унинг устига шохона хилхатлар ташлашиб, иззату иқром билан шаҳарга олиб келиб, салтанат тахтига миндиришди. Халиги киши таажубланиб ўзинча: «Ё тавба, бу қанақа сир бўлди!», деди.

У бир неча кун дам олиб ўзини ростлаб олган, ҳалға чўйиб деди: «Улим чангалидан қутилиб, салтанат тепасига чиқиб қолдим. Ҳарқалай тирли қолганимга шук қилмоғим, бундан кейин аҳволим не кечишини ўйлаб, ахтиёр чораларини кўрмоғим зарур».

У шундай деб вазирилар орасида энг дониш саналган вазири йўқлатди. Уни ўз сирларидан хабардор қилди. Вазир ҳам уни мамлакат сирларидан вақиф қилди деди:

— Бу халқнинг ҳар йилда тайин қилган бир куни бўлиб, ўша куни барчаси тўпланишди ва подшоини тутиб олиб шаҳар четидан ўтувчи катта дарёга ўқотиришди. Эртасига эса узокдан келаятган мусофирини тутиб олишиб, тахтага ўтказдилар. Унга эса бу сирни ошқора қилишмапти. Ҳар йили шу аҳволни такрорлайдилар!

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.

“Офарин!”, “Офарин!” деган сўзлар эшитилди.

Ҳада-ю инъомлар, совға-саломлар, кўриниб турган хушрўйлик, оқиқеҳраликларга қарамай, подшоҳзода кўнглига аллақандай шубҳа-гумонлар соя ташлаб турарди. Амир Темури барибир унинг отаси ўрнини боса олмайдди, донги чиқмаган бир амирбачча. Чингизхон авлоди, келгусида Жўжи улусига — ҳа, у бунга қаятий ишонди! — подшолик қиладиган ўғлонга нечук ота бўлмасин? Майли, у ҳозирча ўзини садоқатли ўғил қилиб кўрсатиб турсин...

Сохибқироннинг учқур оти овозаси Тўхтамиш ўғлоннинг ҳам қулоғига етган эди. Довруғи донстон дудулдини ҳада этиб юборганини қўриб боши осмонга ётгудай қувонди, Амир Темурининг қўли очиклигига тан бермай иложи қолмади, гумонлар ҳам чекингандай бўлди. Сабаби, ашаддий от жинниси Тўхтамиш ўғлон мана шундай тулпорлар гадоси эди, от деса жонини ҳам беради...

Подшоҳзоданинг тили ечди:

— Бағоят миннатдормен, сохибқирон ҳазрати олийлари! — Тўхтамиш ўғлон ўрнидан турди-да, таъзим бажо келтирди. Пирини муршиднинг ҳали айтган сўзлари уни бироз сергаклантириб қўйди, лекин бу ҳақда жиддийроқ ўйлашга фурсати йўқ эди. Барини ичига ютди-да, давом этди: — Каминга бир умрга етажак химмат кўргизаётирсиз... Уғлим, деб бошимни кўкларга еткурдингиз! Билингизким, Чингизхон бобомизнинг бирон авлодидан ҳам бунчалар яхшиликини кўрмаганмен! Отам қилмаган яхшиликни сиз қилдингиз, Амир сохибқирон! Отам ўрнида отамсиз, валинеъ-матимсиз!..

“Билингизким...” унинг яхши кўрган сўзларидан эди. Уғлоннинг ёрқин кўзлари ёлғанди, яшириш учун беихтиёр тиз чўйиб такрор сохибқирон тўни пешини уч бор ўпди ва кўзларига суртди. Кейин ёлғонгандай деди:

— Урусхон отамни ўлдирди... Агар қўшин берсангиз, ўғлингизмен... ердამ берсангиз, Олтин Урда тахтини олар эдик, сохибқирон ҳазрати олийлари... Тўзингизни оқлаймен... Душманларнинг додини берардик, сохибқирон ҳазрати олийлари...

Тўхтамиш ўғлон қийинчилик билан бўлса-да, ўз ниятини баён қилди, аммо сўзларининг Амир Темурига қанчалар таъсир қилганини билолмади.

Шу пайт остона олдида кузатиб туришган Аббос баҳодир қилчок, Алибек қўнғирот, Урунгу Темури, Оқ Буга баҳрин ва Мухаммад Мираклар шитоб подшоҳзода қошига йўналдилар.

— Уғил муборак бўлсун! — қутлади сохибқиронни пирини муршид.

— Муборак бўлсун! Амир Жўжи барлос қутларкан, сохибқироннинг саховатига яна бир бор тан бери, бирок инъом қаторида Хонўғлон отини ҳам бериб юборганига ичи ачиди. Чунки сохибқирон бу отни жуда ардоқларди. Кейин қадрли ўтмаскикин, сохибқирон тулпорини кўмсаб қолмаскиин, деган фикр кечди унинг хаёлидан. Кўп гувоҳ бўлган: Хонўғлон Амир Темурини кўрди дегунча кўзлари ёниб, гижинглаб, ер тепиниб, бошини турли тарафга силкилиб хурсандчилигини ифода қиларди.

Милодий 1372 йилда Хирот малиги Малик Гибсуддин сохибқиронга мулозимат кўргизиб, давлатхоҳлик маъносиде сара отлару хазирлару тевалар, қумош³ зардан иборат совға-салом юборди.

Уша ҳақлар ичиде Хонўғлон ҳам бор эди, уни алоҳида тақдим этдилар. Хушқомат, ажбир, суксурдай бўз от сохибқирон диққатини ўзига тортиди. Манглайига осиб қўйилган қўзмучоқлар ила безалган жигарранг баҳмал тумори қўйиб қўйгандай ўзига ярашиб турарди. От Амир Темури биринчи бор кўрганиде сира бегона-сирамиде, ақсинча, мамнун бўлгандай “боши-боши” қилиб сохибқирон томонга бир қадам ташлаб ҳам қўйди. “Одамдай ақли, факат тили йўқ холос...” дер эди Амир Темури Хонўғлон ҳақида. Шу-шу, Хонўғлонни назардан қочирмади. Жуда кўп сафарларга шу отда йўлга чиққанди, музаффарият ила пойтхатқа қайтар экан, ҳар гал отнинг олтин узангиси, тилла югани офтобда ялтираганча, ўзгача бир нағма билан қишқиб, пишқириб ўйноқлаб кириб келишини кузатар, ҳайратланарди. Хонўғлоннинг қиройли кишини, муносиб йўргаси ҳаммага ёқар, болалар эса олдига тушиб олиб сурон солиб қўнани тўлдирди чопишгани чопишган эди.

Энг муҳими, Амир Темури “сини бошқа” Хонўғлонсиз туролмасди. Хох Самарқандда бўлсин,

3. қумош - қимматбаҳо мато
4. паркин - от қўлтиги.

хоҳ сафарда у хамиша сайсхонага бориб тулпордан бир хабар оларди. Келиши Хонўғлонга ёқшини отнинг тутумидан биларди. Амир Темури тулпорнинг манглайини, гўё ҳали замон афсонавий қанотлари ўсиб чиқадигандай товланиб ажралиб турган парқинини⁴ силлаб-сийпалар, узун бўйни, зўр умгани, ялтираган сағрисига шапатлила уриб-ўриб, юз-қўзидан ўлиб эркаларди. Хонўғлон учун энг ширин лаҳзалардан бири — сохибқирон қўлидан кишиши ёб, қанд ялагани эди.

Амир Жўжи барлос Тўхтамиш ўғлоннинг шундай бебаҳо, насли тоза, зотдор от қадрига ета олишига шубҳа қиларди.

— Оҳ, оҳ, отаси қилмаган яхшиликни қилибдилар, Амир сохибқирон! — ҳайратини яширмасди Амир Улхайту опардиди. — Ростдан ҳам химматлари улуг-дай!..

Амир Довуд дуғлат, Амир Оқбуга найман ва бошқа амирлар ҳам сохибқиронни “Тўхтамиш ўғлон”дай фарзанд билан чин дилдан муборакбод этдилар.

Тўхтамиш ўғлон бир томондан Аббос баҳодир қилчок ва Мухаммад Мирак, иккинчи томондан Алибек Қўнғирот, Урунгу Темури ҳамда

“Чингизхон авлоди эмиш! Нима бўпти! Ана, тути силкитсанг, Чингизхон авлоди тўкилади. Қанчаси сарсон-саргардон бўлиб юрибди, ҳасдан хор... Итнинг қалласини тобоққа солсанг юмалабдир!..” — хаёлидан кечирди амирзода...

— Амир сохибқироннинг бемисл ҳимматларидан кўнглиллари тўлмади, дейман... Подшоҳзода ёзилиб ўлтирмадилар?... — деди Умаршайх Мирзо атай овоз қўйиб Жаҳоншоҳ ибн Жўжуга, ўзидан уч одам нарид ипақ тўшакча омонатгина чўнкайган Тўхтамиш ўғлонга кўз қирида қараб қўяркан. Амирзоданинг чеҳрасиде маззага ўхшаш ифода қотиб қолганди. Ажабо, неча қундан бери улар бирга базми жамшид қилишмоқда, аммо подшоҳзодаданг бирон марта ҳам мамнун масрур бўлиб ўлтирганини кўрмади-да. Бошини эгганега ўйлангани-ўйланган, гапга кам аралашди. Жаҳоншоҳ ибн Жўжу Дашти Қилчок ҳақида сўраган эди, минғирлаб бир-икки сўз айтди холос...

Амирзодага малол келганини кўрган Жаҳоншоҳ ибн Жўжу сўзга шошилди:

— Хориган бўлсалар керак подшоҳзодам... Сихқатлари ҳам нодуруст шекилли...

— Шубҳасиз, йўл хоритган... — вазиятни андавалашга турди Амир Сулаймоншоҳ. — Кишининг жони оғриб турса, ҳеч нарса эқмай қолди... Хеч нарса! Таомдан ол-сунлар, подшоҳзодам! Майли нодан келтур, эй қосағул!

Унинг ёқимли дўриллоқ овози хонда ҳукмрон оҳангда жаранглади.

Пойгақроқда ўлтирган Мухаммадбек ибн Мусо билан Мухаммад Мирак шивир-шивир суҳбатларини тўхтатишиб, даврага қулук сола бошладилар. Шайх Нуриддин баҳодир Амир Шоҳмаликка маънодор қараб қўйди, аммо ҳеч нарса демеди. Чап қўли қилди дастагига таянган эди. Утган қунлар давомида даврага оқсоқол бўлиб бошқариб келган Аббос баҳодир қилчок эса, ҳумоюн ўрдудан олинган фармонга кўра, қуловуз ва тинчқиларнинг келтираётган ноҳуш хабарлари нечоғлик тўғри-ноғўғрилигини текшириш ҳамда вазият билан теган танишиш учун бугун Хоразмга жўнаб кетган эди.

Тўхтамиш ўғлоннинг ўнг томонида ўлтирган Алибек қўнғирот Жўжи улусининг фаросати ўткир амирларидан ҳисобланарди. У гап ноҳуш томонларга бурилиб кетмасин дея ташвишлана бошлади. Подшоҳзодада ҳам отаси Тўйхўжа ўғлонга ўхшаб охирини ўйламай юмушга қўл уриб қўйиб, бемаврид сўз айтиб юбориш одатларидан борлигини яхши биларди. Буларга тоқатсизлики ҳам қўйиш мумкин, ёш-да... У Тўхтамиш ўғлон қулоғига ниманидир шивирлади, кейин гуноҳорона жилмайганча Умаршайх Мирзога изоҳ берган бўлди:

— Хонзодамизнинг мусибатлари янги, биласиз, амирзодам... Тоғдай таянчлари падари бузқурволлари Тўйхўжа ўғлон ҳазратлари яқинидага Урусхон қўлида шикаст топдилар. Фироқ аламини асло унутолмайдилар...

— Дард оғир келди... — қўшилди Амир Оқ Буга баҳрин.

— Ҳа, Хеч кимнинг бошига солмасун... — деди Тўхтамиш ўғлонни кузатиб келган амирлардан Урунгу Темури.

Алибек қўнғирот, ҳали айтдим-ку, бўлингиз, дегандай подшоҳзодадан оҳиста туртиб қўйди. Тўхтамиш ўғлон секин бош кўтарди:

— Маъзур тутсунлар, амирзодам! — Умаршайх Мирзога қараб иложининг борича табассум қилишга тиришиб, таъзим айлал деди Тўхтамиш ўғлон. — Бошимиз осмонда, кўнглимиз тоғдай банд... Амир сохибқироннинг ҳимматлари жаноблари сиймосида намоеён бўлиб турибди...

Подшоҳзода яна кўзларини ерга тикди, хаёлида эса турфа хил ўйлар гузғон ўйнарди... У Чингизхон авлоди бўлса, дунё салтанатини барпо этган жаҳонгир авлоди! Улар эғаллаб турган Турон замини ҳам асли Чингизхон заботида эмиш-ку! Улар ким бўлибди ўзи? Хон авлоди эмаслар, шунчаки амирлар, ювқуқсиз яланғоқлар, ювиндиқўрлар!.. Уларга азалдан фақат амрлашқарлик, сипохсолорлик мерос қилиб берилган, Чингизхон авлодига ҳизмат қилишдан нарига ўтмасликлари шарт. Бу билдирилгангиз илзату иқромлар, базми жамшидлар ҳам барзи — уларнинг вазифаси, бу хашамлар подшоҳзодага эмас, кўпроқ уларга керак. Шундай қилиб ўзларини чингизийларга яқин кўрсатмоқчилар, сўқалиб юриб бу гадолар одам бўлиб олломоқчилар!

Давоми келгуси сонда.

Замонавий бозор механизмларининг шаклланиши Фарбий Европа давлатлари (Англия, Франция, Германия)да ва Шимолий Америка (АҚШ, Канада)да нисбатан узок тарихий давр ичида амалга оширилган. Бу жараёнларнинг табиий ҳолда кечиши Англияда 200 йил, Францияда 150 йил, Германия ва АҚШда тахминан 80-100 йил давом этган. Бу жараёнлар Англия, Франция, Германияда инқилоблар содир этилиши, АҚШда эса ички кўзғолонлар вужудга келиши билан боғлиқ бўлган. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш зарурки, тарихий тажрибанинг ортиши билан ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиш мuddатлари камайиб бормоқда, масалан, Япония ва Корея бу босқични 20-30 йилда босиб ўтди.

Ўзбекистон ҳам бозор иқтисодиёти томон босқичма-босқич ҳаракат қилмоқда. Бизнинг тугган йўлимиз инқилобий эмас, балки эволюцион - ривожланиш йўли бўлди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг яна бир мақбул томони - бизга мерос бўлиб қолган аъъанавий кадрларнинг сақланиб қолишида, ислохотларнинг аниқ мақсадли қилиб олинганлиги ҳамда ҳар бир босқич йўналишлари аниқланганлигидадир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва тadbиркорлик субъектлари фаолияти доирасини янада кенгайтириш масаласи давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий тамойилини ташкил этади. Президентимиз Ислам Каримов «...хаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият-эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди», деб алоҳида таъкидлаб ўтган.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиёти равнақи тadbиркорлик субъектлари фаолияти эркинлиги муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки бозор муносабатлари шаклланган ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси бозор иш-тироқчиларнинг мустақил иқтисодий фаолият билан шуғулланиши орқали манфаатлар уйғунлигига эришиш, иқтисодий жиҳатдан катта самара беришини кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг ўзбекиона кўриниши ҳозирда кўпгина давлатлар томонидан тан олиниб қўллаб-қувватланмоқда. Бу модель ягона иқтисодий ҳудуднинг парчаланишининг мураккаб даврида миллий иқтисодиётни шакллантиришнинг энг мақбул йўли деб топилган.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатла-

рига ўтиш шароитида иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш - бозор иқтисодий қонунларининг, иқтисодий фаолиятнинг ва танлаш эркинлигининг амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш орқали ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш ҳамда уларнинг ҳўжалик фаолиятига давлатнинг аралашувини зарурат даражасида чеклашни англатади. Эркинлаштириш нафақат бозор муносабатлари субъектларининг ҳўқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, балки шу билан биргаликда уларнинг ўз фаолиятлари учун иқтисодий, молиявий ва маъмурий масъулиятини оширишни ҳам ифодалайди.

ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўтиш даври тadbиркорлик масаласи нечоғлиқ аҳамиятга эга эканлигини янада ёркинроқ намоён этди. Бир неча йиллик ислохотлар тажрибаси бозор иқтисодиётининг ривожланиш шакллари кўрсатса, бошқа томондан бозор иқтисодиётининг ўзгарувчанлиги ва эгилувчанлигининг асосий омили бозорнинг ўзи эмас, балки бозор иқтисодиётининг асосий ташкил қилувчиси тadbиркорлик эканлигини кўрсатди.

Эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ривожланишига кенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериши сир эмас. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти асосан кўйидаги бешта устуворликни таъминлашга хизмат қилади: хусусий тadbиркорлик иш билан бандлик масаласини юмшатади ва яққалиқ имкониятлар доирасида иш ўринларининг яратилишига олиб келади, бозор қоидаларига мос равишда даромад топиш учун шарт-шароит ҳозирлайди, пул топишга бўлган қизиқишни кучайтириб, товар ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келади, ўрта мулкдорлар ва ўрта ҳол аҳоли қатламни ташкил топишнинг асосини ташкил этади, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг моддий асосини яратилишига хизмат қилади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ривожланиши жамиятда ўрта ҳол қатламнинг шаклланиши ва кўпайиб боришининг бош асосини ташкил этади. Мазкур фаолиятнинг ҳар хил тури билан шуғулланувчилар бозор шароитларида ишлаб пул топиш кўникмасини тўлиқ ўзлаштириб олиши натижасида ўзини, оиласини турмуш фаровонлигини муттасил оширишига интилиб, истеъмол учун зарур бўлган неъматларни ўз меҳнати, мулки ва ишбилармонлиги орқали таъминлаб боради. Бу эса жамиятда иқтисодий барқарорликнинг

ҳўқм суриши, тинчлик ва тотувликни, келажакка ишонч билан қарашни қарор топтириб, аҳоли турмуш даражасини ўсиб боришининг бош омилига айланиб қолади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ҳаётнинг эркинлиги бозор қонунларининг эркин амал қилишида, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинлигининг мавжудлигида, давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлигида ва асосан билвосита, яъни иқтисодий воситалардан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни тартиблаш шароитларида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини янада эркинлаштириш борасида амалдаги қонунчиликни аниқ иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва янада ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг бош асосини ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат ва бошқа текширувчи ҳамда назорат қилувчи органларнинг ноўрин аралашувини чеклаш билан боғлиқ бўлган тadbирлар таш-

кил этади.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигига салбий таъсир этувчи субъектив ва объектив сабабларни инобатга олган ҳолда тегишли ишларни амалга оширилиши тadbиркорлар қатламини мустаҳкамлаш имконини бериши сир эмас. Албатта, зарурий шарт-шароитларнинг яратилиши масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томонидан яратилган имкониятлардан тadbиркорларнинг тўлалигича фойдалана олиши, тadbиркорлик қобилиятларини муттасил такомиллаштириб бориши ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти янада эркинлаштирилиши, ислохотларнинг янада чуқурлаштирилишида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти янада кенгайтирилиши бош мақсад дейиш мумкин. Чунки бозор учун ишлаш қоида-си амал қилиш, бозор иқтисодиётининг объектив иқтисодий қонунлари доирасида ҳўжалик юритиш учун иқтисодий эркинлик талаб этилади. Фаолият эркинлигисиз иқтисодий юқсалишга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолият доирасини кенгайтириш иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий эркинлигини янада кенгайтириш орқали таъминлаш зарурдир.

Фазлитдин ЗИЯЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академикси тингловчиси.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2005 йил 7 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов савдоси натижасига кўра, қуйидаги паст рентабелли корхоналарнинг давлат активлари инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади:

№	Корхона номи	Манзили	Бепул берилган давлат активи	Инвесторларнинг тақлифлари		
				Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик)	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7
1	«Маданий таъминот» ОАЖ	Чилонзор тумани, Просектная кўчаси, 1«А»-уй	90	Фаолият турини сақлаб қолиш	964,6	1
2	«Don axborot servis» МЧЖ (собик «Ўзлонмаҳсулот ахборот ҳисоблаш маркази» ОАЖ)	Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй	50	Фаолият турини сақлаб қолиш	55,0	1

Маълумот учун телефонлар: 133-39-57; 133-22-98.

Хабарингиз борми?

КЎП БОЛАЛИ ОИЛАЛАР КЛУБИ

Будапешт. "Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!" — мушкетёрларнинг бу машҳур шiori яқинда Венгриянинг Сексарде шаҳрида очилган одатдан ташқари клуб фаолиятини тўла ифодалайди. Бу клубнинг ўзига хослиги шундаки, унинг аъзолари кўп болали оилалардир.

Сексарде клуби ҳозирги вақтда болалар кийим-кечакларини айирбoшлaш фондини ташкил қилди, ота-оналар фонда катта фарзандларининг қийилган, лекин яхши сақланган кийимларини топшириб, уларга тўғри келадиган устки кийим ва пойабзални танлаб олишлари мумкин. Клуб ҳузурида кечки болалар боғчалари ва яслилари бор, бу ерда оналар навбатма-навбат болалар билан шуғулланишлари, уларнинг кўплари махсус педагогика маълумотига эга.

Сексарде клубига ўхшаган кўп болали оилаларнинг клублари ҳозир мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида ишлаб турибди. Уларнинг деярли ҳаммаси республика бирлашмаси таркибига киради, бирлашма уларнинг ишига кўмаклашади, манфаатларини ҳимоя қилади. Бундай жамоат ташкилотининг борлиги жуда муҳим, чунки кўп болали оилалар сони анчагина. 184 минг оилада камида учтадан бола бор. Бу эса венгриялик болалар ва қизларнинг 20 фоизи оилаларнинг олти фоизидан тарбияланаётганини кўрсатади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририятини
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Спорт

ҲОЗИРЧА ҲАММАСИ ЖОЙИДА

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқ-бўй мамлакатлари ёш спортчилари ўртасида тўртинчи марта ўтказилаётган ўйинларнинг сузиш бахсларини ҳозирча ўзбекистонлик спортчилар муваффақият билан бошлашди.

Ҳамюртимиз Данил Бутаков 50 метрлик масофага сузишда шохсуна тўрининг учинчи поғонасидан жой эгаллади ва бронза медалини кўлга киритди.

4x200 метрга эстафетали сузиш мусобақаларида ҳамюртларимиздан Ольга Гнедовская, Екатерина Маматқулова, Лобар Муродова ҳамда Нодира Олимжоноваларга бешинчи ўрин насиб этди. Петр Ромашкин, Максим Ким, Данил Бутаков ва Иброҳим Назаровлар 4x100 метрлик эстафетали сузиш бахсларида маррага олтинчи бўлиб етиб келишди. Дарвоқе, 60 метрлик масофада ҳамюртларимиздан Сергей Паньков, Иван Демяненко, 100 метрга браес усулида сузиш беллашувида ярим финалгача етиб келишди. Мусобақалар давом этмокда.

КИТЪАМИЗ БОКСЧИЛАРИ БЕЛЛАШАДИ


Покснинг Карачи шаҳрида ёшлар ўртасида бокс бўйича уюштирилган китъа биринчилигига старт берилди.

Ушбу нуфузли мусобақада китъамизнинг кучли ёш чарм кўлқоп усталарига қарши иқтидорли мураббий Мансур Маҳмудов бошчилигидаги 12 нафар халқаро турнирларда соҳибдор бўлган ўзбекистонлик боксчилар рингга чиқишади.

Осиё чемпионатининг енгил вазнларида Ватанимиз шарафини Улуғбек Холмуродов, Баҳром Хидиров, Орзубек Шоимов, Баҳодир Мамажонов, ўрта вазнлилар ўртасида Зокир Ортиқов, Азамат Қўлқонов, Миракром Миракбаров, Алибек Қорабоев, оғир вазнлилар ўртасида Дилшод Обиджонов, Ахрор Миралимов, Умид Тожиевлар ҳимоя қилишмокда.

(Ўз мухбиримиз)

“Шарқ” НМАК жамоаси “Шадисо” ўзбек-хитой кўшма корхонаси бош директор муовини Миробид Иноятовга онаси **НАЖМИНСО** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



МУСИҚА, ЖОЗИБА, ТЕЗЛИК

«Умид» спорт соғломлаштириш мажмуасида «Камалак жилоси» деб номланган Тошкент шаҳар спорт ва балл рақслари чемпионати бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги спорт рақслари федерацияси ҳамда Елена Одинова раҳбарлигидаги «Оникс» рақс клуби ҳамкорликларида ташкил этилган ушбу тадбир барчада илиқ таассурот қолдири.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тадбир қатнашчилари мухлисларга энг жозибали гўзал спорт рақсларини тақдим этишди.

Мухлислар учун икки кун давом этган ушбу рақс марафони дастуридан Лотин Америкасининг самбо, ча-ча-ча, румба ҳамда Европа мамлакатларининг танго ҳамда тезкор рақс деб номланган йўналишлари ўрин олди.

Шуниси эътиборлики, спорт бали ва рақслари тадбирида маҳоратли спортчилар билан бирга олимпия заҳиралари коллежаларининг 6, 7 ёшли тарбияланувчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Елена Одинова раҳбарлигидаги «Оникс», Василий Цой етакчилигидаги «Элекс», Рашид ва Светлана Турповалар бошчилигидаги «Жар қушлари», Владимир Ворошилов устозлигидаги «Имконият», Виктория Кравченко мураббийлигидаги «Фох», Эрик Хабибулин йўлбошчилигидаги «Родник»

спорт клублари тарбияланувчилари ижросидаги жозибали рақслар мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди. Дарвоқе, ушбу клублар шахримиздаги энг нуфузли спорт масканларидан эканлигини эътиборга олганда пойтахтда спорт рақслари ва баллари, бадий гимнастика жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини эътироф этиш мақсада мувофиқ бўлади. Шу ўринда эстрада жаз йўналиши бўйича ўзининг жозибали, чиройли ҳаракатлари билан «Имконият» клуби аъзолари 14, 15 ёшли Антон Востриков ҳамда Сабина Диёрова, «Фох» клуби аъзолари, 14, 15 ёшли Сергей Кравченко ва Комила Юсупова, катталар орасида «Родник» клуби аъзолари Шерзод Абдунабиев ва Ирина Семёновалар мутахассислари мухлисларда катта таассурот қолдиришди.

Мусобақанинг энг ёш жуфтлиги ҳисобланаётган «Vita «Дансе» клуби аъзолари

Ли Вячеслав ва Алина Хуснутдиновалар ҳам аjoyиб ва жозибали чиқишлари билан биринчиликнинг келажаги порлок қатнашчилари эканликларини исботлашди. «Оникс» клуби вакиллари Юрий Тян ва Нина Чехонина жуфтлиги чемпионатнинг энг аjoyиб жуфтлиги деб эътироф этилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳақиқатан ҳам эҳтиросга, жозибага бой кечган спорт ва балл рақслари чемпионати қатнашчиларининг барчасига мутасаддилар томонидан эсдалик совғалари, совринлар топширилди. «Эҳтиросли ва гўзал рақс» жуфтлиги дея баҳоланган «Жар қушлари» клуби аъзолари Дмитрий Кононенко ва Надежда Тараненколарнинг нафосату гўзалликка, жозибая чакқонликка йўғрилган чиқишлари чемпионатнинг энг жозибали рақси деб тан олинди.

Мутасаддилар томонидан яхши тайёргарлик кўрилиб, юксак савияда ўтказилган ва икки кун давом этган ушбу мусобақалар мухлислар қалбида анча вақт сакланиб қолади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ
СУРАТЛАРДА: спорт ва балл рақслари Тошкент шаҳар чемпионатидан лавҳалар.
Михаил Якубов олган суратлар.

Футбол

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 10-тури Муборакнинг «Машъал» ҳамда Тошкентнинг «Трактор» жамоалари ўртасидаги баҳс билан ниҳоясига етди.

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилги мавсумда кўпгина жамоалар ўйини шаклланиб ҳар бир турда бир-бирлари билан галаба учун шиддатли кураш олиб боришмокда.

Ўзбекистон футболининг юлдузи Миржалол Қосимов етакчилигида майдонга тушаётган «Машъал» жамоасининг «Трактор» билан ўтадиган учрашуви қизиқарли ҳамда ҳаяжонли дақиқаларга бой кечишини мутахассислари мухлислар баҳшорат қилишганди. Дарҳақиқат, ҳар икки жамоа майдонга фақат галаба иштиёқида тушганликларини намойиш қилдилар. Дарвозалар томон уюштирилаётган хавфли ҳужумлар баҳснинг шиддатли ўтишини таъминлади. Аммо 6 маҳорат ва тажриба бобида Миржалол Қосимов жамоаси озгина устунликка эришди ва учрашув 2:1 ҳисобида «Машъал» жамоаси галабаси билан якунланди. Мухлисларга ҳаяжонли онларни ҳаёда этган голларни дарвозаларга «Машъал»дан Шухрат Мирхолдишев, Баҳриддин Ваҳобов, тошкентликлардан Алексей Кликунов йўллашга муваффақ бўлишди.

БУГУН
эса олий лига жамоалари мамлакат XIV миллий чемпионатининг 11-тур беллашувларини бошлашди.
Анвар ҒАНИЕВ

Мунажжим башорати

ҲАЁТНИНГ ҚУВОНЧЛИ КУНИ

23 ИЮНЬ – ПАЙШАНБА

Ҳа, мунажжимлар бугунги кунни ҳаёт қувончлари, эркинлик ва ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба кунни деб таърифлашган. Бугун ҳеч нарсани режалаштирмай, эркин график асосида ўз-ўзидан юришиб кетадиган ишларнигина қилиш мумкин. Яна улар бу кунни астрал ва жисмоний тана уйғунлиги кунни ҳам дейишади.

Бугун, мунажжимлар таъбирича, юқоридаги уйғунлиқнинг ҳар қандай бўлиши тана ичида салбий жараёнларга олиб келади. Бақир-чақир, кўпол хатти-ҳаракатлари умуман ўрин бўлмаслиги керак.

Бугун аёллар алоҳида роль ўйнайдилар. Бу – «аёллар кунин». Эраклар уларнинг гапларига қулоқ тутишлари керак бўлади. Аёллар билан жанжаллашиб, уларни ҳақорат қиладиганлар худдо ёқмайди.

Бугунги куннинг яна бир муҳим хусусияти, мунажжим С. Илҳомов фикрича, у жуда мусаффо, тақволи, покиза ва маъсум кундир. Ёлғончилардан Аллоҳ ҳам, бандаси ҳам юз ўгиради. Қарзлардан ҳам бугун қутилган маъқул.

Аломатлардан тақани топиб олиш – яхши. Пешонангизга ту-

шиб турган сочингиз тутами ҳадеб кўзингизга тушаверса – бу ноҳушлик белгиси. Идих-товоқнинг, кўзгунинг синиши сиз илоҳий ҳимоядан айрилганингизни билдирса, устингизга кўзгу, ойнанинг тушиб кетиб, жароҳат етказиши айриқиларга ишора ҳисобланади. Бугун соатнинг тўсатдан тўхтаб қолиши эса, яқин қишингиз билан рўй берадиган айриқилдан огоҳлантиришдир.

Ёркин ва аниқ тушлар тез орада ўнгингизда содир бўлади. Рамзий тушларга эса, алоҳида эътибор бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бугун асаб тизими заифлашган ҳолатда бўлади. Шунингдек, оёқларингизни эҳтиёт қилинг.

Кийимлардан ёркин рангиларни бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Кўк-хаворанг уйғунлашган рангларга кўпроқ устуворлик бе-

ришингиз мумкин. Қора, сариқ ва жигарранг либуслардан воз кечганингиз маъқул.

ПАЙШАНБА ТАВАСИАЛАРИ:

- муҳим янги ишни бошлаш;
 - ташаббускор ва сергайратликни намён ётиш;
 - рўзгор ишларига алоҳида эътибор бериш – уй кўтариш;
 - тиббиёт ходимлари, қурувчилар ва коммунал-хўжалик ходимлари билан мулоқотда бўлиш;
 - алоҳида диққат ва аниқликни талаб этадиган ишлар билан машғул бўлиш тавсия қилинади.
- Кучли таъсир этувчи дориларни итеъмоил қилиш, спиртли ичимликларга зўр бериш, саломатлигингизга беварқ бўлишингиз (айниқса аллергия хасталикларига мойиллигингиз бўлса) ман этилади.

Қақша

- Сиз қизимнинг қўлини сўраяпсиз, шундайми?
- Ҳа.
- Ойлиани таъминлашга қурбингиз етадими?
- Албатта!
- Яхшилаб уйлаб кўринг. Биз оилада етти киши-миз.

Кичкина қизчанинг туғилган кунига тошбақача соғва қилишди. Қизчанинг қувончи ичига сигмай, кунни билан уни қўлидан қўймай ўйнади. Эртасига арталуб у ошхонада қўймаланаётган онаси ёнига югуриб келиб

деди:

- Ойижон, тошбақам ўлиб қолди!
- Жуда чакки иш бўлибди-да, қизим. Ўзинг ҳам уни жуда қийнаб юбордингда. Энди уни картон кутичага жойлаб, ҳовлимизга қўйиб қўямиз. Қабрига гуллар ўрнатамиз. Сўнг катта торт, кока-кола сотиб олиб, дўстларингни чақирамиз ва тошбақанинг маърақасини ўтказамиз...
- Она шундай деган ҳам эдики, бирдан тошбақа бошини ташқарига чиқариб қолди.
- Қизалоғим! — севиниб кетди она. — Тошбақанг тирик экан!
- Қизча хайратдан қўларини пирпиратаркан, деди:
- Ойижон! Майлими мен уни бўғиб ўлдирсам!



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3684 нусxada босилади. Қўғоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, оршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-мтбоа оқцидорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.